



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМЛ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 26 февраль пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 42 (1823)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ



Президент Ислам Каримов расисига 25 февраль куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда 1997 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асослари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари куриб чиқилди. Ингилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси Раиси ва Вазирлар Кеңаши Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Ишон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 1997 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Хусусан, саноат, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда яхши натижаларга эришилди. Пул қадрсизланишининг ўртача ойлик суръати икки баробар пасайди. Қуқумалоқ қонди компрессор станцияси, нефть ва нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентда янги саноат объектлари фаолият кўрсатувчи қўллан янги қорхоналар ишга туширилди. Халқ ҳўжажанининг барча соҳаларда хусўсий-

Жумладан, 1998 йилнинг 1 январидagi ҳолатга қўра, мамлакатимиздаги 302 қорхона зарарга ишламоқда. Айниқса, қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни амалга ошириш суръати бутунги талаб даражасида эмас.

Бу муаммоларни бартараф этиш фўрсати аллақачон етган. Ер кодекси, "Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида", "Фермер ҳўжалиги тўғрисида" ва "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Деҳқонда ерга, мулкка эгаллик ҳўссини уйғотиш лозим. Деҳқон ўз меҳнатидан манфаатдор бўлма экан, қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар қутилган натижани бермайди.

Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Мулложаонов, "Ўзбекистонга" уюшмаси раиси Б. Эргашев, коммунал хизмат кўрсатиш вазири В. Михайлов, алия вазири С. Мирсаевов, республика Бош прокурори Б. Мустафоев муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Ингилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

СУРАТЛАРДА: мажлис пайти.
Р. ЖУМАНИЕВОВ олган сурачлар.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш асослари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги МАЪРУЗАСИ

Мухтарам мажлис қатнашчилари! Азиз дўстлар! Яхши йилларга келишимиз, биз кейинги йилларда иқтисодий ислохотларни бошқариш босқичи бўлиб қалам-бақалам ўтказиш, уларни ҳар бир босқич талабларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштириш, ҳар бир босқичнинг энг устувор йўналишларини ва мақсадларини белгилаб олиш, қўзғалган марраларга эришининг механизми ва йўлларини барпо этиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш борасида бутунлай янги йўлни ишлаб чиқиш.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йилда, жамиятни ислоҳ қилиш ва иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий соҳада бир йилга мўлжалланган устувор вазифалар қай даражада амалга оширилганини танқидий қўз билан қараб баҳолаш тажрибамиз ижобий натижасини намойиш қилмоқда.

Инд сарҳисоби, энг аввало, иқтисодиётдаги ҳақиқий аҳолига тўри баҳо бера олишимиз учун зарурдир. У ўтган йилда иқтисодиётда ҳамда ижтимоий соҳада тарққий ва тузилмасида қандай ижобий ўзгаришлар рўй берганини, бозор муносабатлари ҳўжалик фаолиятимизга қай даражада чуқур кириб борганини, иқтисодий ислохотларни ўтказиш йўлида нималар тўсиқ бўлаётганини аниқлаш имконини бермоқда.

Албатта, бажарган ишларимизга яқин изашда қўбунчилик, ўзимизни алдаш билан шуғулланмаслигимиз ва хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Ўтган йилда яқин изаш, бу йилда ислохотларнинг мақсади ва устувор йўналишларини белгилаб эканмиз, бу билан, аввало, ҳалқимиз олдига, жамиятимиз олдига ҳисоб берамиз. Шу билан бирга, ўз зиммасидан навабдаги йил учун маълум мажбуриятлар оламиз.

аввало, иқтисодиётда ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажмининг ошгани (17 фоиз), замонавий технология билан жиҳазланган янги саноат объектлари қурилиши ва ишга туширилгани тўғрисида эришилди.

1997 йилда нақд пул эмиссиясини назорат қилиш ва бошқаришининг янги механизми жорий этилиб, самарали ишлай бошлади. Жойларда ҳўжми ошгани билан бевосита боғлиқдир. Бу кўрсаткичи саноатда 106,5, қишлоқ ҳўжалигида 105,8, қурилишда 102,6, савдода 112,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 121,2 фоизни ташкил этди.

Биз алоҳида эътибор бераётган асос соҳалар барқарор ва мўқим ишламоқда. Нефть қазиб олиш, газ конденсати, табиий газ, ёнили-мойловчи материаллар, электр қуввати, кўмир, қимматбаҳо металллар ва бошқа стратегик аҳамиятга молик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Пахта ҳомашиси, галла етиштириш ҳам ошди. Бу қайта ишлашчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳалар учун мўстақкам база яратибгина қолмай, республиканинг иқтисодий мўстаққилигини ҳам мўстаққиланди.

1997 йилда халқ ҳўжалигининг асос соҳалари билан бир қаторда илгор, фан билан ўзгариш алоҳида бўлган соҳалар — автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги, электротехника саноати, машинасозлик ва металлургия қайта ишлаш, шунингдек, биз учун етакчи бўлган истеъмол товарлари, жумладан, болалар учун истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг энг янги озиқ-овқат саноати ҳам янгида ривожланди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1997 йилнинг ўзига 11,2 фоиз кўпайди. Нефть ва газ қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлаш саноати, ранили металлургия, автомобил саноатида барпо этилаётган қулатки салохат макроиктисодий барқарорликка ва охиракда бутун иқтисодиётга ижобий таъсир ўтказувчи, ҳаракатланувчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчи даражада, иқтисодиётдаги ўзгариш — инфляцияга қарши, молиявий барқарорлик ва пул муомаласи тизимини мўстаққамлаш борасидаги тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилгани натижасидир.

1997 йилда давлат бюджетининг даромади ва харажат бўлиши мўлжалланган кўрсаткичлар ҳам бажарилди. Бунда бюджет камомат мўлжалдан анча пас тубди, янги йилда давлат нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди. Шуниси мўқимки, бу қамомат

ҳўфаза тизими, ижтимоий таъминот ва серфарзанд оилаларга ёрдам тизимининг ислоҳ қилингани жамиятимизда фўқароларнинг даромадлар бўйича қўбларга ва гуруҳларга ортиқча бўлишининг олдини олади, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймади.

Аҳолининг пул даромадлари таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг кам ва ўрта даромад оладиган гуруҳларининг фаровонлиги ошиши ҳисобига энг кўп ва энг кам даромадлар орасидаги фарқ бутунги қунда 7,5 мартадан ошмайдди.

Биз барпо этган тизимнинг яна бир устулиги шундаки, кўпчилик оилалар томоқка, яъни муайян даромад манбага, ўзини зарур нарсалар билан таъминлаш имконига эгадир. Бунинг учун тер тўқини, сиққидилан меҳнат қилиш керак ҳоло. Шунинг учун ҳам бизда ишсизлик масаласи ў қадар долзарб эмас.

Буларнинг барчаси — Ишон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилдаги муайян тадбирлар Дастурининг ижро қилини билан амалга оширилгани натижасидир.

Бу борада айнан нималар қилинди, деган савол туғилиши мумкин.

Ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастурининг амалга оширилиши учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг қарийб 40 фоизи ажратилди.

Шу жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳўфаза қилиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун 30 миллиард сўм, солиқнинг сақлаш, қалтиштириш, сўм таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 миллиард сўм ажратилди.

Бу — йил давомида 6,7 миллион квадрат метр уй-жойни ишга тушириш имконини берди. Шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқда барпо этилди. Турар жой сертификатлари бўйича сотиб олинганда уй-жой нархининг 50 фоизини қоплаш учун бюджетдан 1,2 миллиард сўм ажратилди.

64 минг ўқувчида мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг бемора мўлжалланган шифохоналар, бир сменда 11,7 минг кишини қўлаб қўллаган поликлиникалар қурилди. Янги нишга туширилган ижтимоий соҳа объектларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилди.

Аҳоли пунктларини сув ва газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида 4,9 минг километр газ тармоғи ҳамда 1,8 минг километр сув қуурлари тармоғи қурилиб ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда 159 та қишлоқ табиёт пункти ишга

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА РАҲБАРЛАР ҲЎВИ

Шу кунларда жойларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги тизими раҳбарлари, туман ҳокимлари ўринбосарларининг ўқувлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис ўнчи сессиясидаги маърузасида, кунни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган учрашувда сўзлаган нутқида қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш борасида ўртага қўйган вазифалар, шунингдек, Ер кодекси, ширкат ҳўжалиги, фермер ҳўжалиги, деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари муҳокама этилмоқда.

Қарши, Навоий, Фарғонада бошланган ана шу мавзудаги ўқув машғулотларида деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш, уларда ерга ва мулкка эгаллик ҳўссини қучайтириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг пайқилик ва оила пудрати сингари усулларини кенгроқ жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Дастлабки машғулотларда Қашқадарё вилояти ҳокими О.Пармонов, Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ризаев, Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Йўлбарсов сўзга чиқди.

АГРАР СОҲА — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Наманганда вилоят агросаноат мажмуи ҳодимларининг ўқиси бошланди. Унда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, мулкнинг янги шаклларини жорий этиш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish учун деҳқон, фермер ҳўжаликлари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш муаммолари муҳокама қилинади.

Қадрлар ўқувиде Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси тўғрисида, "Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида", "Фермер ҳўжалиги тўғрисида", "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор бериш назорда тутилган. Деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш, тизилган шартномаларнинг сўзсиз бажарилиши, маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлашнинг илгор технологияларини қишлоқ ҳўжалигига жорий этиш масалалари ҳам тингловчиларнинг диққат марказида бўлади.

Биринчи машғулотда вилоят ҳокими Т.Жабборов сўзга чиқди. У тингловчиларнинг эътиборини агрор соҳада туб ўзгаришлар кечиктириб бўлмайдиган зарурият эканлигига қаратиб, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида агросаноат мажмуи раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимлари билан бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда гапирганини таъкидлади.

Қадрлар ўқуви беш кун довом этди. Ўқув тугаган, вилоят агросаноат мажмуи раҳбарлари аттестациядан ўтказилди.

Н.ХўЖАЕВА,
ЎЗА муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БОЖ ТўЛОВИ КИМЛАРГА БОҒЛИҚ?

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси, генерал-майор Ўткир КОМИЛОВ билан суҳбат

— Ўткир Топилович, маълумки, ўзбеклар билан қозоқлар неча-неча асрлардан буйи бима-ёи яшаб келётган таърих тақдирлоқ, оё-ёни халқлар Мустақиллик йилларида ҳар икки халқ ўртасидаги биродарлик алоқалари, айниқса, яши поғонага қўтарилади.

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва Қозғистон Президентини Нурсултон Назарбаев шу йиллар мобайнида бир неча бор учрашиб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яноқлик, биродарлик, иқтисодий алоқалар тўғрисида бир қанча давлатлараро ҳужжатларга имзо чекилади.

Шу билан бирга, кейинги йилларда икки республика орасидаги божхоналар ўртасида бозор бир англашмовчиликлар қулоққа қалинмоқда, бу, албатта, масалалар аниқлик киритишни тақозо этди. Шу муносабат билан фикрингизни билишни истар эдик.

— Маълумки, Ўзбекистон ва Қозғистон Республикалари ўртасидаги ўзаро алоқалар яхши қўнчилик ва ҳамжиҳатлик асосида таркиб топиб келмоқда. Давлатларнинг иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш ва товарлар, хизматлар ҳамда сарможаларнинг эркин ҳаракатини таъмин этишга йўналтирилган бир қатор ҳўжатлар — 1992 йилнинг 24 июнидаги «Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида», 1994 йилнинг 30 апрелидаги «Йўна иқтисодий макон яратиш тўғрисида» ҳамда 1997 йилнинг 10 январидеги «Абадий дўстлик ҳақида» шартномалар мўқим замиб ҳисобланади. Бироқ бутунги қунга бир неча бор Қозғистон Республикаси томонидан илгари имзоланган ҳўжатлараро ҳўжатлар талабларига хилоф равишда бир тарифлама қўла қурилмоқда. Мисол учун, Қозғистон Республикасининг 1995

йил 20 июлдаги қарорига биноан, 1996 йилдан буйи божхона органлари Ўзбекистон Республикасини ҳудудидан олиб чиқилган товарлардан импорт бож тўлови олиштирди. Бу масалалар бир неча бор музокаралар олиб боришимизга қарамай, Қозғистон томони бож тўлови олишни тўхтамади.

Қозғистон Президентини Президентининг 1995 йил 20 июлдаги «Қозғистон Республикасида божхона иши тўғрисида»ги Фармониини ижро қилиш учун 1995 йил 25 сентябрда Божхона қўмитаси буйруғи билан «Бож тўловлари ва акцизланган товарлар солиғини таъминлаш бўйича муваққат қондалар» амалга жорий этилди.

Мазкур буйруққа биноан, муваққат қондалар фақат автомобиль транспорти билан транзит режимидаги акцизланган товарларга қўлланилади, МДХ давлатларидан чиқарилган акциз товарлар эса Қозғистон Республикасини божхона ҳудудидан депозит ҳисобига олинимасдан ўтказиб юборилди. Бироқ 1997 йил 8 февралдаги «Транзит тартиби тўғрисида»ги қўп томонлама ҳўжатлараро Битимининг амал қилиш муддатини тугатганлиги муносабати билан, бу қондалар божхона иттифоқига қирмаган Мустақил Давлатлар Ҳаммуносабати ташкироти томоғарида ҳам, татбиқ этилмоқда. Булардан ташқари, Қозғистон Республикаси ҳўкуматиининг 1997 йил 14 февралдаги қарорига асосан, Иқтисодиёт ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси кўрсатмасига қўра, барча турдаги транспорт воситаларида ташилувчи ҳамда турдаги спирт ва алкоголь маҳсулотларининг транзит қилиш Қозғистон Республикасини божхона идоралари депозит ҳисобига бож тўловлари ва солиқлар тўланганлигига рухсат этилади.

(Давони 2-бетда).

МАРТ — ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль нazorати бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Холмат Зокиров билан суҳбат

— Холмат Акбарович, суҳбатимизни нима учун ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказиш зарурати пайдо бўлди, деган саволдан бошласак...

— Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 5 декабрда республика Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси йилларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича қарор қабул қилди.

Низом амалга татиқ этилганга қадар йулларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш фақат бизнинг соҳа зиммасига юклатилган эди. Шу ваздан кўпгина ўтири, мураккаб, айни пайтда бизга боғлиқ бўлмаган муаммоларни ҳал қилишда қийинчиликларга дуч келардик. Мазкур ҳужжатда эса: "Йулларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш вазирликлар, давлат қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, концерн, корпорация, компания, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмалари ва иходий уюшмалар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча жамғурувчи шахсларнинг бурчидир", деб аниқ белгилаб қўйилди.

Энди бевосита саволингизга келсак, март ойида ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ташаббуси шунчаки пайдо бўлгани йўқ. Аввало, рақамларга мувофиқ қилиш керак.

Ўтган йили республика миқёсида рўй берган 10 минг 588 йўл-транспорт ҳодисаси оқибатда 2 минг 73 нафар фуқаро ҳаётдан бевақат бўлиб қолди. 11 минг 353 киши турли даражада тан жароҳати олди.

1998 йили Президентимиз Ойла йили деб эълон қилди. Демак, ўтган йилги хато ва камчиликлардан ҳулоса чиқариб, оила-ларининг ҳар доим тинч, хотиржам кун кечиришини таъминлаш бизнинг ҳам муҳим вазифамиздир.

Ана шу нуқтанга назардан келиб чиққан-да, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 февралдаги Қарорини билан эълон қилинган ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини юқорида зикр этилган каби муаммоларни камайтириш борасидаги амалий ишлардан деб баҳоланмоқ лозим.

— Ўтган йилги йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида кенгрок тўхташ керак. Бундай ҳодисалар юз беришининг асосий сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?

— Сабаблар кўп. Лекин ҳаммасидан ачинарлиси пйедаларнинг эътиборсизлиги, яъни уларнинг эътиборсизларча хатти-ҳаракатларидир. Назаримда, мана бу рақам-

лар фикримни тасдиқласа керак. Эътибор беринг: ўтган йили пйедалар айби билан 5 минг 802 та автофалокат рўй берди.

Аён-аёнда кўзгиз тушиб қолади: айрим ҳамюртларимиз светофорнинг қизил чирокига парво қилмай, тунақатор машиналар оқимида ёриб, йўлни кесиб ўтишга ҳаракат қилади. Еки пйедалар учун мўлжалланган йўллар қўлиб, асосий йўл бўйлаб юришда давом этади. Буни мен шунчаки эътиборсизлик эмас, балки маданиятсизлик деб ҳам биламан. Нафақат ўзининг, балки ўзгаларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўйиб, оқибатини ўйламай иш туташган бундай шахсларни бошқа яна қим деб аташ мумкин?

Ўтган йили 1 минг 364 та фалокат болалар иштирокида юз берди. Ҳали дунёга келиб, ёруғ олам неъматларидан баҳра олишга улгурмаган беғуноқ фарзандларимизнинг абадиётга кетишлари еки тўшқа миклаиб мажруҳ бўлиб қолишлари кимнинг қалбини эриқратмайди дейсиз!

Бу фожиаларнинг туб илдизи, аввало, оилада, кейин мактабга тарбия муассасаларида, мактабларда, лицейларда йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш давр талабидан ортда қолиб қолганда деб биламан. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги тадбирларида жойларда йўл ҳаракати қондаларини тулутириш ишларини кен ўрин берилгани айни мудоа бўлди.

Катта ёшдаги фуқаролар, ота-оналар кўчаларда эҳтиёт бўлиб юришни фарзандларига ҳар кун қайта-қайта ўқитишлари, бу борада ўзлари ибрат кўрсатишлари керак.

Аслида бировлар бошига тушган қулфат ҳақида гапиринг — ноқулай. Аммо бошқаларга ибрат бўлсин деган ниётда айрим воқеаларни айтай ўтқочиман.

Ўтган йилнинг 27 декабрь кунини андиқонлик Абдумухтор Ҳамроев автомашинасида кетаятиб, Қўрғонтепа туманидаги Навоий кўчасида маст ҳолда гандирақлаб юрган Эркин Аҳмаджоновни уриб юборди. Натжидада 24 ёшли йилит фалокат қурбони бўлди.

Бу ерда қимни айблайсиз — ҳайдовчинини еки қондага амал қилмаган маст пйедаларини?

Энди ўтган йили 16 декабрь кунини Қорақалпоғистон Республикасида рўй берган воқеа тафсилотида тўхталсак. Мурод Дўстжонов шахсий машинасини бошқариб бораётганда олдинда қутилмаганда болакай югуриб чиқди. Шофёр тормоқни босди, аммо улгуролмайди. Натжидада 7 ёшли норасида бевақт вафот этади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: қиш чилласида, бунинг устига, кечки пайт ёш бола катта йўл ёқасида нима қилиб юрганди? Нима учун катталар у билан қизикмадилар, нега хавотир олмадилар?

Йулларда ҳаракатланиш қондаларига амал қилмайдиган еки бу қондаларга беи-

санд муносабатда бўлувчилар бундай дахшатли воқеаларни қисман бўлса-да, ҳис этиб, чуқур мушоҳада юриштиларини ва зарур ҳулоса чиқаришларини жуда-жуда истардим.

Шу ўринда ҳайдовчилар томонидан ҳам йўл ҳаракати қондалари тез-тез бузилиб туришини таъкидлаш лозим. Айниқса, маст ҳолда рулга ўтириш қоллари кўп учраши ачинарлидир. Ўтган йили маст ҳайдовчилар томонидан 540 марта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилдики, бунинг оқибатида кўплаб фуқароларнинг оёсида ҳаётга дарз кетди, ҳалок бўлганларнинг туғишганлари эса аза очишга мажбур бўлди.

— Бундай ҳоллар қайси соҳа еки қасб эгаларида кўп учрайди, деб ўйлайсиз?

— Бефарволик, масъулятсизлик қасб танланмайди. Аммо "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорацияси тасарруфидида автокорхоналарнинг 85 нафар ҳайдовчиси ширақайф ҳолатда транспорт бошқарувида ДАН ходимлари томонидан тўхтатилгани ва маъмурий чора кўрилганлигини айтмасдан ўтқочиман. Улар орасида, масалан, Жиззах вилояти нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиянинг ўринбосари Т.Ҳамидов, шу корхона ҳайдовчиси Х.Сатторов, Галларол газ магистрлиги қувури корхонаси ҳайдовчилари А.Раимқулов, Х.Жиянбоев ва бошқалар борлиги ачинарли.

Шунингдек, "Ўздонмаҳсулот" давлат ҳисдорлик корпорацияси ҳайдовчиларидан 36 киши, "Ўзбексаудо" сисдорлик компанияси ҳайдовчиларидан 52 киши, Жиззах вилояти қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси ҳайдовчиларидан 301 киши маст ҳолда транспорт бошқарувидаги ушун маъмурий чорага тортилган. Ҳулосани ўзингиз чиқариб олаверинг...

Биз март ойида ўтқазилган тадбирга 30 кун ичида ўтиб кетадиган, кейин ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотадиган шунчаки компания деб қараётганимиз йўқ. У саховатли диёримизда яшаб, меҳнат қилётган ҳар бир кишининг тинч-омонлиги, хотиржамлиги, озу-хаваслари ушалишини таъминлашга қаратилган фаолиятимизнинг бир юзмиқидир.

Албатта, ушбу тадбирни кенг жамоатчилик иштирокида муваффақиятли яқунласак, у йил давомидаги қиладиган ишларимизга ихобий таъсир кўрсатган бўларди. Бу ўз навбатида қанчадан-қанча хонадонларни ғам-аламдан, изтиробдан қутқариб қолди демақдир. Шу боис тадбир ижросига ҳисса қўлиш ҳар бир юрдошимизнинг ушун йўмон давлатига айланмоғи керак.

Суҳбатдош: Раҳмонали ҚОСИМОВ. (ЎЗА).



Ойлар хайрон... Ҳавас тошар осмонлардан, Само сочар юдуларни йўлларига... Ойбарчинлар келдимизки достонлардан, Сехр қайтди юртининг тоза Гулларига.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

АҲМАД АЛ-ФАРОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ЮРТДОШЛАР ЭҲТИРОМИ

Фарғонада ал-Фароний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган умумхалқ хашари ўтқазилди. Унда вилоятдаги барча ишлаб чиқариш корхоналари, ҳуусий тармоқлар, турли ташкилот ва муассасалар жамоалари қатнашди. Шу кунини бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди, кенг қўлама ободлаштириш ишлари бажарилиди. Аҳмад Фароний жағмармаси ҳисобига йилгирма миллион сўм ўтқазилди. Бу маблағ Фарғона ва Қўва шаҳарларидаги мезморий обидларни таъмирлаш, боғ ва хиёбонлар барпо этиш, маданият-маиший тадбирларни амалга ошириш учун сарфланмади.

Р. КАМОЛОВ, ЎЗА мухбири.

СПОРТ

ҲАҲОНГА ЧИҚИШ ТАРАДДУДИ

Тошкентда спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон кубоғи мусобақаси ниҳоясига етди. Унда вилоятлар ва пойтахтдан энг кучли спортчилар иштирок этиди. Бу турнир бир қанча халқаро мусобақалар олдиндан жиддий имтиҳон бўлди. Чўнончи, мусобақа ғолиблари шу йил март ойида Москвада ўтқазилган жаҳоннинг энг кучли гимнастикачилари халқаро мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини олдилар.

Қизлар орасида тошкентлик Анастасия Дзунзая мутлақ ғолиб бўлди. Элдор Валеев эса ўсмирлар орасида биринчилиқни эгаллади.



ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

ИРОҚ АТРОФИДАГИ ВОҚЕАЛАР

БМТ Бош қотиби Коффи Аннан Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар вакиллари билан учрашиб, Ироқ ҳукумати билан имзоланган битим ҳақида ахборот берди.

Россия Президенти Борис Ельцин Франция Президенти Жак Ширак ва БМТ Бош қотиби Коффи Аннан билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, Ироқ билан БМТ ўртасида имзоланган битимдан мамнун эканлигини билдирди.

Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида БМТ билан имзоланган битим муносабати билан митинглар ва намойишлар бўлиб ўтмоқда, деб хабар беради хориж оммавий ахборот воситалари. Бағдодликлар БМТдан нефть экспорт қилишни қўпайтиришга руҳсат бериш ва Форс кўрғазидан АҚШ харбий кучларини олиб чиқиб кетишни талаб қилишмоқда.

ТАШРИФ ҲОЗИРЧА ҚОЛДИРИЛДИ

Россия мудофаа вазири И. Сергеевнинг Грузияга мўлжалланган расмий ташрифи қолдирилди. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, Грузиядаги мураккаб вазият туғайли ташриф муддати номаълум вақтга ортга сурилган.

НОЁБ ТОПИЛМА

Исроиллик археологлар Қуддус шаҳридан жанубдаги Вифлеемга борадиган йўл атрофидан V асрга дахлдор бўлган Византия черкови харобаларини топишди. Черков император Зенон даврида қурилган бўлиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда. Шунингдек, бу ердан Исо пайгамбарга кўзи ёришидан аввал Биби Марям ўтириб дам олган қоя тош ҳам аниқланган. Қуддусдаги юнон православ черкови патриархи Диодорос бу топилмани ниҳоятда юксак тарихий ва диний аҳамиятга эга бўлган «кашифт» деб баҳолади. Яқин келажақда бу ерлар кўплаб сайёҳларнинг диққатини тортадиган муқаддас зийратгоҳлардан бири бўлиб қолишга умид билдирилди.

ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУРАККАБ ЙЎЛИ

МДҲ давлатларига қилган ташрифи яқунлари муносабати билан АҚШ Давлат департаментида сўзга чиққан Кўшма Штатлар Президентининг рафиқаси Хиллари Родэм-Клинтон сафар давомида демократия ва эркин бозор иқтисодиётга ўтиш юзасидан бир қанча амалий тақлифларни илгари сурганигини таъкидлаб, АҚШда демократик жамият қуриш тарихини ҳам эсга олганлигини айтди. Жумладан, Украинада Америка диёрида Конституцияни яратишга 10 йил, мамлакатни қўлчилик тартибидан халос қилишга 89 йил, аёлларга овоз бериш ҳуқуқи учун 144 йил, барча фуқароларни қонун олдида тенг қилиш учун 188 йил муддат зарур бўлганлигини эсга олганлигини айтди. АҚШнинг биринчи хоними фикрича, демократик жамият қуриш учун сабр-тоқат ва изчиллик зарур.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

банк хизматлари доирасини халқаро андозаларга мувофиқ кенгайтира бориб, ўз мижозларига **ДЕПОЗИТАРИЙ** хизматлари кўрсатишни бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими депозитарийси Сизга қимматли қоғозларингиз, ҳужжатларингиз, оила ёдгорликлари ва қимматбаҳо буюмларингиз мутлақо беҳатар сақланиши ҳамда сир ошкор этилмаслиги учун кафолат беради.

Депозитарий Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими биносидида очилган. У шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9 дан 16 гача ишлайди.

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Ф. Фулом кўчаси, 1-уй. Алоқа учун телефонлар: 144-82-20, 144-82-05.

ҲАМОНЧИЛИК, ДАХЛСИЗЛИК, ҚИЛАЙЛИК

OPPORTUNITIES FOR TRANSLATORS

BBC WORLD SERVICE

BBS World Service Monitoring gathers news from Central Asian broadcast and press sources.

Our office in Tashkent is looking for translators into English with an excellent-preferably native-level-knowledge of Pashto language.

Those interested should contact Dilara Tadjibaeva on 686212 or 406446 during office hours (09.00 to 17.00) Monday to Friday.

«Ўзбекистон» Давлат-акционерлик компанияси ва Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси жамоатини бирлашган раиси ўринбосари, халқ артисти, кинорежиссёр Шухрат Аббосовга вазифадан муҳторамлари

Ҳатир ва АББОСОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирилди.

Ўзбекистон Хорижий мейнажлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамияти раиси жамоаси раиси ҳўтин-қизлар шўба-сининг раиси Ойдин Солиҳова Аббосовга оғини

ҲАТИРА вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Республика раисоси иходий жамоаси Бадий-муусиқий эшқттиришлар бош муҳуринининг муҳурини Ҳакима Илҳомовага оғини

Салима ИСРОИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор қилади.

«Электртармоқурилиш» акционерлик жамияти жамоаси шу жамият ҳодимлар бўлими бошлиғи М. К. Азимова ва таъминот бўлими ҳодими М. К. Орпонага вазифадан муҳторамлари

ҚУМРИҲОН вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор қилади.

«Унефтгазқазибқилириш» давлат-акционерлик бирлашмаси жамоаси пармалаш бўлими бош кесмонлиги

Баҳадур ОЛИМХОНОВнинг вафоти муносабати билан муҳурининг оила аъзоларига чуқур таъзия илҳор этади.

«Қишлоқтаъминоттаъмири» шўба корхонаси жамоаси корхона раҳбарини Сайфидин Курбонга оғини

Қушиш ота ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Ҳуқуқ ва қонуничилик 136-07-94; Иқтисодиёт 136-36-63; Қишлоқ ҳўжалиги 136-37-85; Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва харбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро хабар 132-11-15; Қотибонат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0984, 41.579 нусхада босилди, қажан — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи муҳаррир — Қ. Эшматов. Набатчи — Ф. Саидов. Мусохаҳ — Ш. Манраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 2.20 1 2 3 4 5 6